

# O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI

ISSN 2181-502X

№5. 2013



## ИННОВАЦИЯ – ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ



# СУВДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ

## ЮҚОРИ ҲОСИЛ ГАРОВИДИР

Сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг асосини етказиб берилаётган сувга истъмољчиларнинг қадрли муносабатда бўлиши ташкил қилади. Бунда сув истъмољчиларининг сув етказиб берувчи ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб боришлари ва сувдан фойдаланишни тўғри йўлга қўйишлари муҳим аҳамиятга эга.

Экин далаларини суғоришга ишлатиладиган сувдан фойдаланишни оқилона бўлиши учун биринчи гада, фермер ўз Сув истъмољчилари уюшмалари (СИУ) билан сув етказиб бериш тўғрисидаги шартномавий муносабатларни тўғри йўлга қўйиши ва унинг шартларига тўлиқ амал қилиши ҳамда сув етказиб бериш бўйича кўрсатилган хизматлар учун ҳақни ўз вақтида тўлаб бериши лозим.

Сув етказиб беришни тўғри ташкил этилиши учун эса ҳар бир Сув истъмољчилари уюшмаси ўз тасарруфидаги суғориладиган майдонлар учун сувдан фойдаланишнинг аниқ режаларини ишлаб чиққан бўлиши лозим. Шунингдек, уюшма ва фермерлар ўртасидаги сув олди-бердиси ҳисоб-китобини тўғри йўлга қўйиши зарур. Бунинг учун аввало уюшма ва фермерларнинг сув олиш қулоқлари сув оқимини ростлаш ва ўлчаш иншоотлари билан тўлиқ жиҳозланган бўлиши шарт.

Шу ўринда аҳоли томорқаларини суғориш учун олинадиган сувлар ҳам назоратсиз қолдирилмаслиги учун ҳар бир фурқаролар йиғинлари СИУ билан хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузишлари ва маҳалла миқдорларини тайинлашлари лозим. Маҳалла миқдорлари аҳоли томорқаларига олинадиган сувни навбат билан етказиб беришни ташкил қилиб, ўзбошимчилик билан сув очиб олиш ҳољларининг олдини олади ҳамда сувдан самарасиз фойдаланишни бартарф қилади.

**Ҳар бир сув истъмољчиси (хусусан фермерлар) суғорилдан беш кун олдин СИУга сув олиш учун ёзма талабнома бериши лозим.**

Сув истъмољчилари ўртасида сувдан навбатма-навбат фойдаланишни йўлга қўйиш сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишнинг энг асосий шартларидан саналади.

СИУ ҳудудида каналдан олинаётган сувни кичик миқдорларга бўлиб барчага бир текис тарқатиб юборилса, сув шимилиши ва буғланиши кўпайиб, ҳар бир гектарни суғориш учун сарфланаётган сувнинг умумий миқдори кўпайиб, суғориш вақти чўзилиб кетади. Суғориш навбат билан ўтказилганда эса, катта миқдордаги сув аввал бир далага кейин бошқа далага берилади. Натижада суғориш тез амалга оширилади ва суғориш каналларидаги сув исрофи 10–20, дала ариқларидаги сув исрофи 30–35 фоизгача камаяди.

Экин майдонларида сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни йўлга қўйиш учун суғоришнинг сув тежовчи усулларини қўллаш талаб қилинади.

Ҳозирги кун амалиётида қуйидаги сув тежовчи суғориш усуллари мавжуд:

– **Калта эгатлар билан суғориш.** Бу усулда эгатнинг узунлиги (икки ўқариқ ўртасидаги масофа) тупроқ шароитидан келиб чиқиб 50–60 м қилиб белгиланади. Бунда оқовага чиқадиган сув миқдори кескин камаяди, эгатлар бутун узунлиги бўйича бир текис намланишига эришилади. Натижада экин даласига берилаётган сув миқдори 15–20 фоизга камаяди.

**Эгатлар оралатиб суғориш.** Бу усулда экин даласига сув эгатлар орасидаги ҳар бир ариқдан эмас, балки эгат оралатиб, яъни бир ариқдан сув оқизилич, навбатдаги ариқ қуруқ қолдирилган ҳолда берилади. Бунда тупроқдан сув буғланиши ва тупроққа сув сизилиши кескин камаяди. Натижада далани суғоришга сарфланадиган умумий сув миқдори 20–25 фоизгача камаяди.

Нишаблиги катта бўлган ерларда эгатни бир текис намланишига эришиши ва оқова сув чиқишини камайтириш учун эгатга аввал катта сув сарфи юборилади, сув эгатнинг охирига етиши билан сув сарфи кескин камайтирилади, яъни сув эгатга ўзгарувчан оқимда юборилади. Бунда умумий сув бериш ҳажми 15–20 фоизга камаяди.

Нишаблиги кичик бўлган суғориладиган ерларда эса оқова сув чиқармаслик учун эгат охирига тўсиб, тўсилган сувни тескари оқизиб, эгатлар охирига намлаш ҳам мумкин. Бунда умумий сув бериш ҳажми 15–20 фоизга камаяди.

Шундай қилиб, суғоришни сифатли бўлишида ўқариқлар орасидаги масофа, эгатларнинг узунлиги ва эгатдаги сувнинг сарфи алоҳида роль ўйнайди.

**Эгат узунлигини дала нишаблиги ва тупроқнинг сув шимиш хусусиятига қараб тўғри танлаш лозим. Агар эгат узун олинса, сув унинг охирига етиб боргунича, сувнинг кўп қисми эгатнинг бош қисмида тупроққа беҳудда сингиб исроф бўлади. Шунинг учун даланинг шароитидан келиб чиқиб сувни яхши ўтказадиган ўтлоқ ва энгил қумоқ тупроқларда гўза қатор оралиги 60 см бўлган далаларда эгатлар узунлиги 50–60, сувни сует шимадиган, оғир тупроқли ерларда 60–70, қатор оралари 90 см бўлган далаларда эса 60–70 метрдан ошмаслиги керак.**

Даланинг бир текис намланиши ҳосилдорликни юқори бўлишини таъминлайди. Эгатнинг бутун узунлиги бўйича тупроқнинг бир текис намланиши учун эгатта берилаётган сув сарфи қумлоқ тупроқларда 0,7–0,8 л/с, энгил ва ўрта қумоқ тупроқларда 0,3–0,4 л/с ва оғир қумоқ ва гилли тупроқларда 0,1–0,2 л/с бўлиши лозим.

Сувдан оқилона фойдаланишда суғоришни ҳар бир ариқдан эмас, балки ариқ ташлаб олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга. Бунда суғориш мезёри одатда 600–800 м<sup>3</sup> миқдорида белгиланади.

Суғоришни шарбат усулида олиб бориш сувдан самарали фойдаланишда муҳим рол ўйнайди. Шарбат усули қўлланилганда гўнг гўзани озиклантирибгина қолмай, балки мульча вазиқасини ҳам бажаради. Бунда сувнинг буғланиши ва тупроққа сингиши кескин камаяди. Шарбат усулида суғоришда хандакдан ўтаётган сувни гўнг билан тўлиқ аралашувига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Мульча сифатида шарбатдан ташқари мавжуд эски плёнкалар, қоғоз, сомон ёки турли сув ўтларидан фойдаланиш мумкин.

Экинларни суғориш учун, ноанъанавий сув ресурсларидан, шу жумладан чиқит, оқова ва зовур сувларидан фойдаланиш ҳам суғоришга ишлатиладиган сув миқдорини камайтириш имкониятларини яратади. Айниқса, дарё сувларини етказиш қийин бўлган ҳудудларда, шунингдек, энгил ва ўртача механик тарқибли тупроқли майдонлардаги галлани суғоришда май ойида зовурлар сувларидан бемалол фойдаланиш мумкин. Бунда зовур сувини тузлик даражаси 3 г/л дан юқори бўлса уни дарё чучук суви билан аралаштириб ишлатиш тавсия қилинди. Экинларни суғоришга зовур сувларидан



фойдаланиш ҳисобига суғоришга ишлатиладиган тоза сувлар миқдорини 15–25 фоизга камайтириш мумкин.

Маълумки, бошоқди дон экинлари, жумладан, кузги бугдой май ойида сутли пишув даврига киради. Ушбу давр кузги бугдой парваришида энг маъсулятли давр бўлиб, бу пайтда ғаллага озиқ моддалар ва сувнинг старли даражада етказиб берилиши мўл ҳосил учун мустаҳкам замин яратади. Акс ҳолда, сув етмаслиги оқибатида ғалла донлари пуч бўлиб қолиши ва ҳосил тарози босмаслиги мумкин. Шунинг учун ғаллани сутли пишув (май ойи ичида) даврида сифатли қилиб суғоришга алоҳида эътибор қаратиш ва маъсулят билан ёндошиш лозим. Ушбу даврда ернинг намлигидан келиб чиққан ҳолда кузги бугдойнинг суғориш меъёри 700–800 м<sup>3</sup>/га миқдорда белгиланиши лозим.

Суғоришни кечаю-кундуз, айниқса, кечаси ташкил қилиш сувни 10 фоизгача тежаш имконини берали ҳамда экинни ривожланиши учун мўътадил микроклим ша-

роитини яратади. Суғориш давомийлиги тупроқнинг механик таркиби, майдоннинг нишаблиги ва суғориш меъёрига қараб 8–12 соатни ташкил этиши лозим. Майдоннинг нишаблиги катта бўлган айрим ҳудудларда эса суғориш давомийлиги 16–18 соатдан ошмаслиги керак.

Шундай қилиб, экинларни суғоришда сувдан фойдаланиш оқилона ташкил этилса, экин даласини суғориш усулини тўғри танланса ва агротехник тадбирлар (айниқса, культивация ва чопиқ) ўз вақтида ўтказилса, энг асосийси суғоришга маъсулят билан ёндошилса, шубҳасиз, кўзланган ҳосил етиштирилади.

### З. ИШПУЛАТОВ,

*Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Сув ресурслари баланси ва сувни тежайдиган технологияларни ривожлантириш бошқармаси бош мутахассиси*

### С. МАМАТОВ,

*Ирригация ва сув муаммолари институти директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари*

## ЃЎЗА НИҲОЛЛАРИ ҲИМОЯСИ

### ҲОСИЛ ТАҚДИРИНИ ҲАЛ ҚИЛАДИ

Ѓўза парваришида май ойи энг маъсулятли давр ҳисобланади. Айниқса бу йилги об-ҳаво шароитида зараркунанда ва касалликларга қарши курашишга ҳар қачонгидан ҳам жиддий эътибор бериш зарур.

Илмий асосланган башорат маълумотларига кўра, 2013 йилда сўрувчи зараркунандалардан шира ва трипсларнинг деярли барча ғўза майдонларида ривожланиши ва тарқалиши кутилмоқда. Ҳаво ҳарорати старли даражада иссиқ бўлиб, аҳён-аҳёнда ёнгарчиликнинг кузатилиши кечроқ экилган ва ривожланишдан орқада қолган ғўза ниҳолларида шира ва трипсларнинг кўпайиб кетишига олиб келади. Бу зараркунандалар айниқса ғўзанинг янгидан униб чиққан ёш ниҳолларини қаттиқ зарарлайди. Зарарланган ёш ғўза ниҳолларининг барглари бужмайиб, ўсув нуқтаси қаттиқ шикастланади. Натижада ниҳоллар ўсишдан тўхтаб, барглари қуриб тўкилиб кетади. Бу зараркунандалар кўпайишининг олдини олиш мақсадида ёш ғўза ниҳоллари барг орқали минерал ўғитли суспензия билан қўшимча озиқлантирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун ғўзанинг 2–3 чинбарг чиқарган даврида гектарига 5 кг карбамид ўғити фосфорли ва калийли ўғитлар билан бирга суспензия ҳолида берилса, ёш ғўза ниҳолларининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиш билан бирга зараркунандаларга чидамлилигини оширади. Ѓўзанинг шоналаш даврида ҳам бу ўғитларни суспензия ҳолида бериш тавсия қилинади.

Май ойининг иккинчи ярмидан бошлаб ғўза майдонлари ва унинг

атрофларидаги бегона ўтларда ўргимчаккана пайдо бўла бошлайди. Бу зараркунанда кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида ғўза майдонлари ва уватларга гектарига 500 тадан 1500 тагача олтинкўз тухумларини профилактика мақсадларида чиқариш лозим. Шунда олтинкўзлар табиатда кўпайиб, ўргимчаккана билан бирга трипс, шира ва бошқа зараркунандаларга ҳам доимий қирон келтириб туради.

Трипслар ва ширалар кўпайиб кетган айрим далаларда кимёвий препаратлар пуркаш ишларини ўз вақтида ўтказиш зарур. Бу зараркунандаларга қарши курашда препаратлардан гектар ҳисобига: Камелот (0,15 кг), Дельтафос ёки Примаголд (1,0 л), Би-58 (янги) – (1,5–2 л), Багира-Н ёки Далприд (0,15–0,2 л), Энджео (0,15–0,2 л), Карбофос ёки Фуфанон (0,6 л), Циперфос, 55% э.м.к. (1 л) пуркаш яхши натижа беради.

Ўргимчаккананинг дастлабки кўпайиш давларида гектарига: Ниссоран, Тетрасан (0,1 кг), Хексорун (0,2 л), Ортус (0,75 л), Зум (0,25 л) препаратларини қўллаш мақсадга мувофиқ. Ўргимчаккананинг миқдори кўпайиб кетган далаларга эса гектарига: Вергимек, Абалон, Даламектин, Пилармектин (0,3–0,4 л), Неорон (1–1,2 л), Омайт, узмайт (1,5 л), Политрин К (1 л) ёки ООҚ - оҳак олтингургут қайтнатмаси (Боме бўйича 1 градусли қилиб) билан кимёвий ишлов ўтказиш тавсия этилади.

Шунинг билан бирга май ойида зараркунанда илдиз кемирувчи тунламлар ривожланишини назоратга

олиш мақсадида ҳар бир ғўза дала-сига феромон тутқичларни ўрнатиб доимий кузатиш ишларини ўз вақтида олиб бориш зарур. Бу йилги қишнинг мўътадил ва баҳорнинг илиқ келиши мавсум давомида тунламларнинг авж олиб ривожланишига яхши шароит яратади. Бунга тайёргарлик ишларини кучайтириб биологаториялар иш унумдорлигини оширган ҳолда маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш ва улардан унумли фойдаланишга катта эътибор бериш зарур.

Юқорида санаб ўтилган зараркунандаларга қарши ўз вақтида кураш чораларини ўтказиш мақсадида ҳудудлар бўйича уларнинг ривожланиш потенциални чуқур таҳлил қилган ҳолда, кимёвий препаратлар захирасини яратишга ҳозирданок эътибор бериш лозим.

Бундан ташқари, янги униб чиққан ёш ғўза ниҳолларида илдиз чиршиш ва гоммоз касалликлари хуруж қилиши мумкин. Бу ҳолат уларнинг ўсишдан орқада қолишига, айрим кучли зарарланган пайкалларда эса кўчатларнинг бутунлай нобуд бўлишига олиб келиши мумкин. Бунинг салбий оқибатларини бартараф этиш мақсадида, униб чиққан ёш ниҳолларнинг парваришига чуқур ёндошиш зарур. Аввало агротехника (қатқалоқни юмшатиш, культивация) тадбирларига ҳамда минерал ўғитли суспензия билан қўшимча озиқлантириш ишларига алоҳида эътибор бериш лозим.

### А. САЪДУЛЛАЕВ,

*қ.х.ф.н.,*

### Ш. ХЎЖАЕВ,

*қ.х.ф.д., (ЎЗЎХҚИТИ)*



# O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'IALIGI

((«Сельское хозяйство  
Узбекистана»)  
Аграр-иктисодий,  
илмий-оммабоб  
журнал

МУАССИС:

Узбекистан Республикаси I  
Кишлоқ, ва сув ҳужалиги !  
вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тоҳир  
ДОЛИЕВ

Тахрир хайъати:

Зафар РУЗИЕВ

Шерали НУРМАТОВ

Хамробой РАЗЗОКОВ

Мдаммадусуф ТЕШАБОЕВ

Содашжон ТУРДИЕВ

Бавдшр АБДУВДИРОВ

Саидкул АРАБОВ

Муса АНОРБОЕВ

Фархрд ОМОНОВ

Эркин КУДРАТОВ

2013 йил,  
№5 май

Журнал 1922 йил  
октябрдан чща бошлаган.

ОБУНА ИНДЕКСИ:  
якш ёутчшар учун«894  
ташкиошар учун«S95

# МУНДАРИЖА

Т.ДОЛИЕВ. Инсон хотираси абадий, кадри азиз.....	1
З.ИШПУЛАТОВ, С.МАМАТОВ. Сувдан самарали фойдаланиш.....	2
А.САЪДУЛЛАЕВ, Ш.ХУЖАЕВ. Ғуза ниҳрллари химояси.....	3
А.КУРБОНБОЕВ, З.ПУЛАТОВ. Юксак хирмонга пухта замин.....	4
М.ТОШБОЛТАЕВ, К.АСТАНАКУЛОВ. Ралла ҳрсиллини йириштиришда техникалардан унумли фойдаланиш.....	5
Р.АБДУЛЛАЕВ, У.НАБИЕВ. БОР ва тоқзорларда ҳрсилдорлиқни ошириш омиллари.....	7
Р.ХАКИМОВ, М.ХОЛДОРОВ, Ф.РАСУЛОВ. Сабзавотчиликда муҳим палла ....	8
С.АХ.МЕДОВА, У.КУЧЧИЕВ, Б.АЛЛАШОВ, СЖАМОЛОВ. Озукабоб ем-хашак экинлари парваришидаги агротехник тадбирлар.....	9
Б.НАСИРИЛЛАЕВ. Мул ва сифатли пилла етиштириш.....	10
Р.ЯРАЕВ, Б.КУВВАТОВ. Бруцеллез - хавфли касаллик.....	11
О.ТУРАЕВ, Т.ИБРАГИМОВ. Асаларичилиқда май ойи юмушлари.....	12
О.ЭЛ МИРЗО. Тараққиёт пойдевори.....	13
Ш.ЖАЛИЛОВ. «Азамат»нинг азаматона одимлари.....	14
Ш.АВЕЗХОНОВА. Мул-кулчилик омили.....	15
Б.ЭГАМКУЛОВ. Куш уясида курганини қилади.....	15
Ш.ЖАББОРОВА. Ниятга яраша меҳнат.....	16
О.НОРБЕКОВ. Ерлардан самарали фойдаланиш.....	17
Х.САЙДАЛИЕВ, Б.ХАЛМАНОВ. Франция қишлоқ ҳужалиги таълими ва фани.....	18
М.КУРБОНОВА, З.СУЛТОНОВА, С.ГАЙБНАЗАРОВ. ТошДАУ ахборот ресурс маркази: илм-фан ахборот ресурслар манбаи.....	19
Юртимиз боғларга бурканмоқда.....	21
И.ЭРНАЗАРОВ, С.НУРИЛЛАЕВА, И.МАМАТКУЛОВ. Ернинг унумдорлиқ ва ҳрсилдорлиқ даражаси буйича гузани озиклантириш.....	22
Я.БАБАЕВ, Г.ОРАЗБАЙЕВА, Ш.ШАРИПОВ. Шурланган ерда етиштирилган ва иклимлашган янги ғуза навлари уруғлик чигит сифат кураткичари.....	23
Ф.АБДУЛЛАЕВ, Ш.КОЗУБАЕВ, М.ЛАТИПОВ, Р.ЭГАМБЕРДИЕВ. Рузанинг истик,болли «Унк,ургон-2» навининг морфо-биологик хусусиятлари.....	24
Ф.ТЕШАЕВ, У.АБДУРАХ.МАНОВ, ФДУЧКОРОВ. Кунат калинлигининг дефолиация самарадорлигига таъсири.....	25
Х.ҚДРШИБОВ. Каттик, бугдой селекцияси учун эртапишар бошланғич манбалар.....	26
И.МАССИНО, Ф.БОБОЕВ, А.МАССИНО, К.ТОДЕРИЧ. Африка куногининг янги нави.....	27
С.ИСЛОМОВ, А.АБДУАЗИМОВ. Дон сифати юқрри бугдой навларини яраташда биотик ва абиотик омилларнинг таъсири.....	28
М.КОМИЛОВА, С.САНАЕВ, Б.ХОЛМИРЗАЕВ. Интенсив боғларда мева етиштириш технологияси.....	29
Д.ТУЛИЕВА. Бугдой донининг шаклланиш даврида галлазорни зарарли ва зарарли бегона утлардан тозалаш.....	30
Ж.РАХ.МОНОВ, П.ОРТИК.БОЕВ. Дуккакли дон экинлари касаллик турлари ва зарари.....	31
Б.ЭЛМУРОДОВ. Бузук. ва кузиларни касалликлардан х'имоя флиш.....	32
АДОСИЛБЕКОВ. Жунни синфлаш ва бирламчи тозалаш.....	33
Б.БОЙБУЛОВ, Ф.ОКМНРЗАЕВ. Швиц зотли сигирларнинг асосий селекция белгиларини яхшилашнинг сут махсуддорлиги ва тирик вазнига боғлиқлиги ...	34
А.МАМАТАЛИЕВ. Томчилатиб сугориш - самарали усул.....	35
Ш.ЭГАМБЕРДИЕВА, С.ИСАШОВ. Паст босимли томчилатиб сугориш тизимини жорий этиш.....	36
А.ИБРАГИМОВ. Влияние скорости движения сеялки на равномерность глубины заделки семян.....	37
Т.ХУСАНОВ. Эффективность производства хлопка в условиях внедрения технологий водосбережения.....	38
К. БУСТОНОВ. Махсулотлар рақбатбардошлигини оширишда сервиснинг роли.....	39

Журнал Узбекистан Матбуот ва  
ахборот агентлигида 2007 йил  
11 январда 0158-рақ.ам билан  
руйхатга олинган.

Манзилмиз: Тошкент, 128,  
~ КсоГота "Кучасй7 75-уй.  
Телефон: 240-57-10.  
Факс:240-57-17.

[www.qxjournal.ucoz.com](http://www.qxjournal.ucoz.com)

E-mail: [qxjuraal@qsvx.uz](mailto:qxjuraal@qsvx.uz)

© «O'zbekiston qishloq xo'jaligi»

Босмахонага топширилди: 2013 йил  
26 апрель. Босишга рухсат этилди:  
2013 йил 27 апрель. К.ОҒОЗ бичими  
60x84 1/8. Офсет усулида офсет кргозига  
чоп этилди. Шартли босма таботи 4,2.  
Нашр х'лСоб ТабоҒН 5,0. Буюртма J4028.  
Нухаси 4550 дона.

"«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа  
булимидачоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри,  
Учтепа тумани, Фарход кучаси, Г-уй.

Набғачи муҳаррир: БТОШНАЗАРОВ  
Дизайнер: Н.БОЛТАЕВА